ДИН УЛАМОЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАВҚЕИ ВА УЛАРГА МАЪМУРИЯТНИНГ МУНОСАБАТИ

Алимбобоева Сайёра Миргиязовна
“Пойтахтйўлкўкалам” давлат муассасаси ходими
https://doi.org/10.5281/zenodo.21349979

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистонда мустамлакачилик даврида дин уламоларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеи, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда подшо Россияси маъмуриятининг уларга нисбатан олиб борган сиёсати таҳлил қилинган. Шунингдек, уламоларнинг вакф мулклари, диний лавозимлари ва иқтисодий манбаларига доир ўзгаришлар, маъмурият томонидан уларнинг фаолиятини назорат қилиш усуллари ҳамда бу сиёсатнинг маҳаллий аҳоли ижтимоий-сиёсий ҳаётига кўрсатган таъсири тарихий манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида ёритилган.
Калит сўзлар: дин уламолари, Туркистон, мустамлакачилик, Россия империяси, ижтимоий мавқе, иқтисодий ҳолат, вакф, қози, муфтий, имом, маъмурият, диний сиёсат.

Марказий Осиё бошқаруви ва жамият ҳаётида дин арбоблари қадимдан улкан сиёсий-иқтисодий нуфузга эга бўлган. Буни Амир Темур даври ва хонликлардаги муҳим давлат мансаблари мисолида кўриш мумкин.[1][1] Чор Россияси истилосидан сўнг, улар анъанавий тизим сақланиб қолган Бухоро ва Хивада ўз мавқеини йўқотмади. Аммо тўғридан-тўғри мустамлакага айлантирилган Туркистонда вазият бутунлай ўзгарди.

Хонликлар даврида диний ходимлар таъсир кучига кўра уч тоифага ажратилган: Олий мартабалар**:** Шайхулислом, қозикалон, халифа, аълам, шайх, охунд, судур, ўроқ (ушбу лавозимларга асосан маҳаллий зиёлилар тайинланган). Ўрта мартабалар**:** Нақиб, мавло, мударрис, домулло, имом, имом-хатиб. Қуйи мартабалар**:** Имом жилов, муаззин, сўфийи жилов. Давлатдаги энг нуфузли диний арбоб шайхулислом ҳисобланиб, у йирик вақф мулкларига эгалик қилган. Масалан, Қўқон хони Худоёрхон даврида Имом Соҳибзода саройда катта сиёсий ва иқтисодий мавқега эга бўлган. Муҳим давлат қарорлари уламолар иштирокида қабул қилинган. Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзилишича, Тошкентни Россия қўшинларидан мудофаа қилишдан аввал шаҳар элитаси ва дин арбоблари (Эшон Қорабош хўжа, Эшон Муҳаммад Раззоқхўжа ва бошқалар) Эшонқули додҳо мадрасасида йиғилиб, душманга қарши курашишга қарор қилишган.

Жамиятда алоҳида ажралиб турувчи, давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланувчи ижтимоий гуруҳлар мавжуд эди:

Сайидлар **(«тўралар»):** Пайғамбарнинг қизи Фотима ва ҳазрат Али авлодлари бўлиб, энг юқори табақа ҳисобланган.

Хўжалар**:** Дастлабки тўрт халифа (чорёрлар)дан тарқалган «оқсуяклар» бўлиб, улар ҳам кенг имтиёзлар ва йирик ер-мулкларга эгалик қилишган. XX аср бошларида Фарғона водийсида, хусусан, Марғилон уездида 1000 дан ортиқ хўжалар оиласи истиқомат қилган.

Халқ орасида сўфийлик раҳнамолари бўлган эшонлар ва шайхларнинг обрўси баланд эди. Минтақада суннийлик йўналишидаги нақшбандия, қодирия, кубравия ва

[1] Темур тузуклари. - Т.: Ғофур Ғулом, 1991. - Б. 20-21.

яссавия тариқатлари кенг ёйилган. Тадқиқотчи Н.Г. Маллицкий таъкидлаганидек, XIX аср охирида сўфийлар Туркистон аҳолисининг маънавий-ахлоқий ҳаётини йўналтириб турган. Маълумот учун**:** «Эшон» сўзи форсча «улар» маъносини англатиб, муқаддас ва ҳурматли зотларнинг исмини тўғридан-тўғри тилга олмаслик одати туфайли юзага келган.

Эшонларга нисбатан кўпинча «ҳазрат» унвони қўлланилган бўлиб, бу уларнинг теран илми ва илоҳий фазилатларидан далолат берган. Улар ёш бўлишига қарамай, ўз издошларини (муридларини) маънавий йўлга бошловчи «пир», хасталарни шифоловчи ва келажакни башорат қилувчи авлиё сифатида улуғланган. Шундай арбоблардан бири XIX аср охирида Тошкентда яшаган Охун Шодмон эшон эди. Гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмагани учун халқ орасида «Эшон эт емас» номи билан танилган бу зот ўзининг таркидунёчилиги, дуогўйлиги ва сахийлиги билан ажралиб турган.

Н.С. Ликошиннинг қайд этишича, эшоннинг нуфузи қуйидаги хайрли ишлари туфайли ортиб борган:

Касалларни даволаш**:** 1892 йилги Тошкент вабоси даврида Чимкент ва Перовск оралиғидаги ҳудудларда аҳолига тиббий-руҳий ёрдам кўрсатган. Хайр-эҳсон**:** Диний хизматлардан тушган маблағларни муҳтожларга кийим-кечак ва озиқ-овқат тарқатишга сарфлаган.

Бунёдкорлик**:** Тошкент яқинида ўзбек ва қирғизларни бирлаштириб, янги ерларни ўзлаштирган. Ўз маблағи ҳисобидан барпо этилган бу қишлоқ кейинчалик «Эшонбозор» номини олган.

Эшоннинг ғайритабиий қобилиятини ҳатто чор амалдорлари ҳам тан олган. Масалан, 13 йил фарзанд кўрмаган бир рус мулозими унинг дуосидан сўнг фарзандли бўлгани манбаларда келтирилади. Бу каби «авлиё» эшонлар мавжудлигини шарқшунос Н.Г. Маллицкий ҳам тасдиқлаган.

Гарчи кўплаб тарихий адабиётларда дин вакиллари халқ ҳисобига кун кўрувчи табақа сифатида тасвирланса-да, Охун Шодмон эшон ва Муҳаммад Али эшон каби шахсларнинг ҳаёти уламолар орасида чин художўй, халқпарвар ва фидоий инсонлар ҳам кўп бўлганини исботлайди.

Эшонларнинг географик тақсимоти ва моддий аҳволи 1900 йилги статистикага кўра, Сирдарё вилоятида жами 237 нафар эшон фаолият юритган. Улар ҳудудлар бўйлаб қуйидагича тақсимланган эди:

Тошкент шаҳрида – 87 нафар;

Тошкент уездида – 97 нафар;

Чимкент уездида – 15 нафар;

Казалинск уездида – 12 нафар;

Амударё бўлимида – 114 нафар.

Эшонларнинг иқтисодий фаровонлиги бевосита уларнинг халқ орасидаги нуфузи ҳамда ихлосмандлари (муридлари) сонига боғлиқ бўлиб, йиғилган назр-ниёзларни тасарруф этиш бутунлай уларнинг ихтиёрида бўлган. Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси Абдурозиқ эшоннинг обрўси шу қадар баланд эдики, 1898 йилда унинг дафн маросимига Самарқандда 15 мингга яқин киши йиғилган. Шайхлик институти ва зиёратгоҳлар даромади

Туркистондаги муқаддас қадамжо ва мақбараларни бошқарган шайхлар ҳам юқори ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эди. Хонлар ва амирлар ҳам уларни зиёрат қилиб, йирик маблағлар ажратган.

Зиёратгоҳ номи - Йиллик тахминий даромад / Таъминот Баҳоуддин Нақшбанд мозори (Бухоро) - Бухоро амирлари томонидан йиллик 7 000 сўм Шоҳимардон мозори (Фарғона) - Йиллик 80 000 – 100 000 сўм

Шайхлар кўпинча ўзларини ўша авлиёларнинг давомчилари деб таништиришган. Масалан, Тошкентдаги Зангиота мақбарасини бошқарган ака-ука Мухторхон, Аъзамхон ва Бобохонлар ўзларини Анбар она авлоди деб билишган ва зиёратчилар олиб келган совғалардан ташқари, Кўкча мавзесидаги вақф ҳаммомидан ҳам фойда кўришган.

Шайхликнинг асосий вазифаси инсонлар қалбига илоҳий муҳаббатни сингдириш ва уларни пайғамбар суннатига мувофиқ яшашга ундашдан иборат бўлган. Муаррихларнинг қайд этишича, 1900 йилда ўлкадаги 1415 та мозорда 1526 нафар шайх хизмат қилган. Жамиятдаги яна бир диний қатлам – қорилар эса махсус қорихоналарда Қуръонни ёд олиб, халқнинг оилавий-диний маросимларини бошқарган.

Чор маъмуриятининг уламоларга нисбатан сиёсати

Мустамлакачилар хавфсираши**:** Россия империяси расмийлари маҳаллий дин арбобларининг халққа таъсиридан доим чўчиб яшаган. Улар ислом омили ҳар қандай қулай вазиятда миллий озодлик ҳаракатига туртки беришини яхши англашган. Шу сабабли, ўлкада бирор сиёсий ғалаён юз берса, биринчи навбатда диний етакчилар таъқиб остига олинган. Хусусан, 1892 йилги Тошкент вабо қўзғолони пайтида чор ҳукумати уламоларнинг ҳаракатларини қаттиқ назорат қилган. Ўз навбатида, дин вакиллари ҳам хавф-хатарни ҳис қилиб, мустамлакачиликка қарши ташвиқот ишларини яширин тарзда олиб боришга мажбур бўлганлар.

Мустамлака даврида дин аҳлининг кайфияти ва Чор назорати Чор маъмурлари маҳаллий руҳонийларнинг ижтимоий мавқеидан чўчиб, уларнинг ҳукуматга муносабатини доимий равишда яширин кузатиб борган. 1909 йил баҳорида таълим тизими мулозими Н. Сайфий мактаблар аҳволини ўрганиш баҳонасида Фарғона водийсига махфий миссия билан юборилади. Унинг ҳисоботига кўра, Қўқон, Андижон, Наманган ва Чуст мадрасаларининг мутаваллилари ҳамда мударрислари мустамлакачилар ўтказган вақф ислоҳотларидан қаттиқ норози бўлишган. Чунки бу сиёсат диний муассасаларнинг иқтисодий таянчини синдирган эди. Натижада уламолар аҳоли орасида пинхона ва баъзан очиқчасига аксилҳукумат ташвиқотини олиб боришган.

Диний қатламдаги табақаланиш ва халқ қарашлари

Дин вакилларининг ҳаммасини ҳам бирдек софдил деб бўлмасди; улар орасида сохта тақводор, ўз манфаатини халқдан устун қўювчи кишилар ҳам учраб турган. Шариат қоидаларини ниқоб қилиб, нафс бандасига айланган кимсалар туфайли эл орасида танқидий мақоллар юзага келган:

«Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма»

«Қийшиқ арава йўл бузар, қози-мулла эл бузар»

«Илондан оёқ излама, мулладан нон сўрама»

Шу билан бирга, жамиятнинг илғор қатламини ташкил этган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва Мунаввар қори каби жадид маърифатпарварлари қолоқлик ва мутаассибликка қарши чиқиб, халқни илм-фанга ҳамда ислом маърифатини тўғри англашга даъват этганлар.

Қозилик маҳкамаси ва унинг тузилиши

Анъанавий давлатчилик тизимида шариат асосида адолат ўрнатувчи ва ҳукм чиқарувчи қозилар аппарати муҳим ўрин тутган. Масалан, Қўқон хонлигига қарашли Тошкент беклигида маҳкама тизими тўрт асосий лавозимдан иборат бўлган:

Мансаб номи - Вазифаси ва ҳуқуқий мақоми

Қозикалон - Хон томонидан билими ва ҳаёти синчиклаб текширилиб тайинланадиган бош ҳакам.

Қози ул-қуззот - Бош қозининг расмий ёрдамчиси бўлиб, у йўқлигида ўрнини босган Қози ал-аскарий - Беклик ҳудудидаги ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятларни кўриб чиққан. Қози раис - Жамиятда ахлоқ ва бозор қоидаларига риоя этилишини назорат қилган.

Қози раис, аълам ва муфтийларнинг вазифалари

Бек томонидан тайинланадиган қози раис ҳам маъмурий, ҳам назорат вазифаларини бажарган. У жамиятда қуйидаги ишлар учун масъул эди: Кўчалар ва бозорларда жамоат тартибини сақлаш; Шариат аҳкомларига риоя этилишини, хусусан, намоз ва рўза амалларининг бажарилишини кузатиш; Савдо расталарида торозидан уриб қолмаслик ва тўғри тижорат юритилишини назорат қилиш; Ёшлар тарбиясини назорат қилиш ва жамоат жойларида ёлғиз юрган аёлларни сўроқ қилиш.

Суд тизимида қозиларга аълам ва муфтийлар кўмакдош бўлган. Муфтийлар уюшмасига раҳбарлик қилувчи аълам шариат манбаларидан келтирилган иқтибосларнинг тўғрилигини текширган. Муфтийлар эса муайян судга боғланмаган ҳолда, чақирув асосида ислом ҳуқуқини шарҳлаб, даъволар бўйича «ривоятнома» (шаръий йўриқнома) тақдим этувчи ҳуқуқшунослар эди. Чор Россиясининг суд тизимидаги ислоҳотлари ва унинг оқибатлари Мустамлакачи ҳукумат маҳаллий судларнинг нуфузини синдириш мақсадида бир қатор маъмурий чекловларни жорий этди.

Ислоҳотларнинг салбий оқибатлари.

Чор маъмурияти жорий этган «халқ сайлови» тизими аслида элликбошилар ва рус чиновниклари назорати остида ўтарди. Бу ўзгаришлар жамиятда қуйидаги иллатларни юзага келтирди: Коррупциянинг авж олиши**:** Мансабпараст кимсалар овозларни сотиб олиб қозиликка эриша бошлади. Кейинчалик улар сайловга сарфлаган маблағларини оддий халқни талон-торож қилиш эвазига қоплашган. Ҳудудий чекловлар**:** Хонликлар даврида аҳоли ўзи ишонган исталган қозига мурожаат қила олган бўлса, 1867 йилги Низомнинг 185-моддасига кўра, даъвогарлар фақат жавобгар яшайдиган ҳудуддаги қозига боришга мажбурланди

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг танқиди**:**

«Бир мулла ҳам қозилик, ҳам мударрислик, ҳам оқсоқолликни эгаллаб олиб, халқ ва талабалар ишини барбод қилмоқда. Иқтидорли олимларимиз эса оч-наҳор юрибди».

Суд тизимидаги ўзбошимчалик ва жавобгарсизлик

Чор ҳукуматининг ислоҳотлари оқибатида қозилик лавозими маҳаллий элитанинг бойлик орттириш воситасига айланди. Нопок йўллар билан амалдор бўлган қози ва бийлар юқори табақа манфаатларини ҳимоя қилиб, оддий халқни аёвсиз талон-торож этдилар. Энг ачинарлиси, улар ўз қонунбузарликлари учун жазосиз қолишган.

Тарихий факт**:** 1881 йилда Андижон қозиси Саид Жалол суд жараёнида М. Сўфиев исмли фуқарони қамчи билан калтаклаб, дарахтга осиб қўяди. Оқибатда жабрланувчи вафот этади, бироқ қози ҳеч қандай жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Иллатларнинг бадиий адабиётда акс этиши

Суд тизимидаги бундай зўравонлик ва адолатсизлик ўша давр адабиётининг асосий мавзуларидан бирига айланди. Кўплаб ижодкорлар порахўр руҳонийлар ва сохта тақводорларни ўз асарларида кескин фош этдилар: Муқимий – *«Додхоҳим»*; Завқий – *«Воқеаи қози-и сайлов»*; Шавқий – *«Аҳли риё»*.

Диний арбобларнинг қилмишлари нафақат оддий аҳолининг, балки тизим ичидаги инсофли ходимларнинг ҳам эътирозига сабаб бўлган. Жумладан, ўзи ҳам қозилик қилган шоир Очилди Мурод Мирий *«Газали дар эътироз»* асарида фақат нафс илинжида юрган ҳамкасбларининг қилмишларини қаттиқ қоралаган.

Исҳоқхон Ибрат фаолияти ва чор қонунчилиги танқиди Очилди Мурод Мирий каби эл манфаатини устун қўйган дин арбобларидан яна бири Исҳоқхон Ибрат эди. У 1900 йилдан бошлаб чор ҳукумати ағдарилгунга қадар Тўрақўрғон ва Хонобод қишлоқларида қозилик қилди. Ибрат 1910 йилги сайловлар арафасида «Туркистон вилояти газети»да чиққан мақоласида империя қонунларини кескин танқид остига олди. Низомдаги бўшлиқлар**:** Муаллифнинг таъкидлашича, ўлкани бошқариш тўғрисидаги Низомнинг (Положение) 223-бобида қози бўлувчи шахснинг ёши (25 дан паст бўлмаслиги), судланмагани ва жаримага тортилмагани асосий мезон қилиб олинган. Бироқ номзоднинг илми, шариат ёки қонунни билиши, ақлий салоҳияти мутлоқ инобатга олинмаган. Натижада, элликбошиларнинг овоз йиғиш ўйинлари орқали муқаддас шариат ҳукми нолойиқ, илмсиз кимсалар қўлига ўтиб кетаётган эди. Қўқон воқеалари: Уламолар ва халқ бирдамлиги Чор маъмуриятининг босимига қарамай, халқпарвар уламолар эл орасида ўз нуфузини сақлаб қолган ва омма уларни доимо ҳимоя қилган.

Бу воқеалар маҳаллий аҳоли мустамлакачиларнинг қатағон сиёсатидан қўрқмай, ўз маънавий йўлбошчилари ва дин уламоларини ҳимоя қилиш учун ўз ҳаётини хавф остига қўйишга тайёр бўлганини кўрсатади.

Тошкент қозикалони Ҳакимхўжа ва мустамлакачиларга қарши қатъият Қозилик лавозими аслида умрбодлик мақом ҳисобланмаса-да, эл орасида катта обрўга эга арбоблар бу курсини йиллар давомида бошқариб келишган. Ҳатто уларнинг иқтидорига қараб, мазкур мансаб отадан ўғилга мерос ҳам қолган (масалан, Тошкент қозикалони Ҳакимхўжа ва унинг вориси Муҳиддинхўжа). Чор Россияси Тошкентни истило қилгач, Ҳакимхўжа шаҳар келажаги бўйича генерал М.Г. Черняев билан музокаралар олиб боради. Муваққат губернатор Ф.И. Романовский унинг нуфузини синдиришга уриниб, таҳдид қилганида, қозикалон унга қатъий жавоб қайтаради:

Ҳакимхўжанинг жавоби**:**

«Ҳар бир иш фақат Яратганнинг иродаси билан бўлади. Агар Аллоҳ хоҳламаса, сиз менга ҳеч қандай зиён етказа олмайсиз. Борди-ю, Олий Зот менга жазо беришни истаса, ундан мени ҳеч ким асраб қололмайди. Шу боис дағдағангиз мени шариат йўлидан қайтара олмайди». Бу қатъият ва оммавий норозилик хавфи Романовскийни чекинишга ва муроса қилишга мажбур этади. Кейинчалик ўлкага келган генерал-губернатор К.П. фон Кауфман ҳам Ҳакимхўжанинг обрўси сабабли у билан тил топишишга уриниб, уни «Худодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмайдиган инсон» деб таърифлаган.

Диний тизимнинг чекланиши ва бошқарувнинг тугатилиши

Империя маъмурлари маҳаллий уламоларнинг ҳукуматга нисбатан садоқати сохта эканини, улар фақат ноиложликдан бўйсунаётганини яхши билишган. Шу сабабли чор маъмурияти олий диний мансабларни (қозикалонлик ва шайхулисломлик) босқичма-босқич йўқ қилиш сиёсатини юритди.

Мударрисларнинг ижтимоий мақоми ва устозлик анъаналари Мадрасаларда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этувчи, диний ва дунёвий фанлардан дарс берувчи кучли зиёлилар қатлами мударрислар (ўқитувчилар) деб аталган. Миллий таълим тизимида мударрисларга нисбатан юксак эҳтиром шаклланган бўлиб, талабалар уларга «тақсир» ёки «афандим» дея мурожаат қилишган.

Ф.М. Керенскийнинг қайд этишича, талабалар ўзларига маъқул бўлган ўқитувчини эркин танлаш имкониятига эга эдилар. Шу боис, мударрислар илм даражаси ва ахлоқ-одоби билан ўз шогирдларига доимий равишда ўрнак бўлишга ҳаракат қилишган. Хонликлар даврида йирик мадрасалар устозлари бевосита ҳукмдорлар томонидан тайинланган бўлса, мустамлака даврига келиб бу лавозимга сайлов тизими жорий этилди. Мударрисларнинг моддий таъминоти ва маошлари

Мударрисларнинг иш ҳақи мадраса вақф мулкларидан келадиган умумий фойданинг 1/10 қисмини (10 фоизини) ташкил этган ва бу қоида мадрасанинг таъсис ҳужжатида (вақфномада) аниқ кўрсатилган. Даромад миқдори билим юртининг ҳажми ва бойлигига қараб фарқ қилган:

Мадраса номи **(**Ҳудуди**) -**Йиллик иш ҳақи / Даромад миқдори Ўртача мадрасалар - 30 сўмдан 100 сўмгача (айрим ҳолларда 200 сўмгача) Шердор ва Тиллакори (Самарқанд) - 288 сўм Бароқхон (Тошкент) - 28 000 танга Турсунжон (Бухоро/Фарғона) - 34 000 танга (тахминан 5 000 сўм)

Чор маъмуриятининг таълим устидан назорати ва чекловлари Империя расмийлари дастлаб мадрасалар ички ҳаётига аралашмаган бўлса-да, кейинчалик назоратни кескин кучайтирди. 1891 йилдан бошлаб мударрислар жамоат томонидан сайланса-да, уларнинг лавозими халқ таълими бош инспектори томонидан тасдиқланадиган бўлди. Бу чора ҳукуматга фақат сиёсий жиҳатдан содиқ шахсларни ишда қолдириш имконини берди

Сиёсий мақсад**:** Жорий этилган янги қоидалар ва «Бош мударрис» лавозими орқали мустамлакачи ҳукумат ўқитувчиларни мадраса маъмурияти ҳамда талабалар устидан назорат қилувчи воситачига айлантиришни мақсад қилган эди.

Мадраса таъминоти ва талабалар нафақаси

Мадрасаларнинг бутун иқтисодий ҳаёти вақф даромадларига таянган. Талабаларнинг моддий таъминоти уларнинг билим даражаси (босқичи)га қараб белгиланган:

Қуйи босқич талабалари**:** йилига 4–8 сўм;

Ўрта босқич талабалари**:** йилига 8–16 сўм;

Юқори босқич талабалари**:** йилига 16–32 сўм.

Муассасаларнинг даромад ҳажми уларнинг мулкига қараб тубдан фарқ қилган. Масалан, Тошкентдаги «Бароқхон» мадрасаси ўзига қарашли карвонсарой ва 14 та дўкондан йилига 1400 сўм фойда кўрган. «Кўкалдош» мадрасаси эса 15 000 танга (айрим манбаларда умумий ҳаражатлар билан каттароқ маблағ) даромад олиб, уни ички эҳтиёжларга қуйидагича тақсимлаган:

Тақсимот йўналиши - Ажратилган маблағ **(**тангада

Мутавалли (хўжалик раҳбари) улуши -34 000

Мударрис иш ҳақи - 28 000

48 та ҳужрани таъмирлаш - 74 000

Хизматчилар (имом, муаззин, фаррош) - 10 000

Кутубхона эҳтиёжлари - 1 000

Масжид бошқаруви ва имомларнинг ижтимоий мавқеи

Ўша даврда оддий саводли кишилар «мулла», диний-шаръий илм эгалари эса «уламо» деб юритилган. Маҳалла масжидларини бошқарган имомлар халқнинг маънавий раҳбари ҳисобланиб, улар аҳолининг хулқ-атвори ва шариатга риоя қилишини назорат қилган.

Имомларнинг ну фузи, айниқса, қишлоқларда жуда баланд бўлган, чунки улар кўпинча ҳудуддаги ягона зиёли шахс эди. Улар диний маросимлардан ташқари, тижорат, оилавий муаммолар ва шифокорлик масалаларида асосий маслаҳатчи бўлишган. Шунингдек, қишлоқ жамоасини бошқариш, йиғинлар ўтказиш ва солиқ йиғишда фаол қатнашишган.

Мактабдорлик фаолияти ва муаззинлар таъминоти

Қишлоқ имомлари кўпинча маҳалла мактабида домлалик ҳам қилишган. Ўқитувчиларга давлат томонидан қатъий маош тўланмаган, улар ота-оналарнинг инъомлари ҳисобига кун кўришган:

Пул ва совғалар**:** Ота-оналар домлага ойлик 1,5–2 танга тўлашган. Бундан ташқари, тўй-ҳашамларда палов, нон, ширинликлар, байрамларда эса тўн ёки матолар совға қилинган (булар пул ҳисобида 3–5 сўмга тенг бўлган). Босқичли тўлов**:** Сирдарё вилоятининг Амударё бўлимида ота-оналар ўқиш бошланишида, ўртасида ва бола мадрасага тайёр бўлганида 40 тийиндан (жами 4 марта) пул беришган.

Маҳаллани намозга чорлаш ва масжид поклигига жавобгар бўлган муаззинлар (азончилар) ҳам имомлар қатори халқ томонидан таъминланган. В.П. Наливкиннинг ёзишича, қишлоқларда имом ва азончининг хизмати учун ҳар бир хонадондан умумий ҳисобда 52 пудга яқин буғдой йиғилган. Мазкур ғалланинг 3\4 қисми имомга, қолган 1\4 қисми эса муаззинга берилган. Бой оилалар эса ўз ихтиёрлари билан бундан ҳам кўпроқ хайр-эҳсон қилишган.

Масжид ходимлари даромади ва Чор ҳукумати сиёсатининг умумий якунлари Қишлоқ жойларида имомларнинг йиллик асосий даромади 15–30 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, улар оилавий маросимлар (никоҳ, жаноза) ва шифокорлик (дуохонлик) каби шахсий хизматлари ортидан қўшимча маблағ топишган. Шаҳарларда эса масжид ходимларига маош пул шаклинда берилган; бунинг учун хонадонлардан оилавий аҳволига қараб 20 тийиндан 2 сўмгача маблағ йиғилган.

Россия империяси диний сиёсатининг натижалари

Чор Россиясининг Туркистонда юргизган диний сиёсати маҳаллий руҳонийлар, масжид ва мадрасалар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш ҳамда ислом динининг жамиятдаги таъсирини сусайтиришга қаратилган эди. Бу сиёсат қуйидаги оқибатларни келтириб чиқарди:

Мавқенинг пасайиши**:** Диний муассасалар ва уламолар ўзларининг ўрта асрлардан қолган ижтимоий-иқтисодий имтиёзлари ҳамда сиёсий кучидан маҳрум бўлди.

Маъмурий чекловлар**:** Бир қанча йирик диний унвонлар ва лавозимлар (қозикалонлик, шайхулисломлик) бутунлай бекор қилинди, қолганлари қаттиқ назоратга олинди.

Ижтимоий таъсир**:** Сиёсий ҳаётдан четлаштирилса-да, уламолар оддий халқнинг кундалик ва маънавий ҳаётидаги етакчилик ролини сақлаб қолдилар. Диний муҳитдаги иккиёқлама ривожланиш. Мустамлакачилик босими натижасида жамиятдаги зиёлилар қатлами икки қутбга ажралди:

1-Мутаассиб уламолар кўпайиши –эски тизимни маҳкам ушлаб, янгиликка қарши чиққанлар

2-Жадид зиёлилари (Илғор тоифа) – ҳам диний, ҳам дунёвий илмни эгаллаб, миллат ривожи динни бидъатлардан тозалашда деб билдилар

Бу илғор фикрли зиёлилар империя сиёсати миллий манфаатларга зид эканлигини англаб, жамиятни қолоқликдан қутқариш ва дин софлигини тиклаш йўлида фаолият юритдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Бобобеков Ҳ. Туркистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
4. Бартольд В. В. Туркистон мўғуллар босқини даврида. – Тошкент: Фан, 1990.
5. Алимова Д. А., Рашидова Д. Р. Туркистон тарихи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Университет, 2002.